

**“Навоийуран” Давлат корхонаси ходимларининг коррупциявий хатти-
харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари
устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича
РЕГЛАМЕНТ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент “Навоийуран” Давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Корхона деб юритилади) ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички ҳужжатларини бузилишига нисбатан хизмат текширувини (кейинги ўринларда – Хизмат текшируви деб юритилади) ўтказишни белгиловчи ички ҳужжати ҳисобланади.

2. Мазкур Регламент қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:
Корхонада хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;
Хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;
корхонада қоидабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;
корхонада қабул қилинган ички ҳужжатлар ва назорат таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;
корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

3. Хизмат текширувида иштирок этаётган корхона ходимларига ушбу Регламент билан ўрнатилган талабларга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилади.

4. Корхонадаги хизмат текшируви қуйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:
қонунийлик;
корхона ходимларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;
фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларинини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;
хизмат текшируви ўтказишда олинган ахборот ва материалларнинг махфийлиги (конфиденциаллиги);
корхона ходимлари томонидан хизмат текшируви ўтказишдаги шаффофлик, ҳалоллик, коллегиялик, бетарафлик ва холислик;
хизмат текшируви олиб борилаётган корхона ходимнинг айбсизлик презумпцияси.

II. Хизмат текширувни тайинлаш

5. Хизмат текшируви корхона ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

6. Бундай маълумотлар қуйидаги манбалардан келиши мумкин:

Корхона ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита раҳбари ёки бошқа ваколатли шахсга берган маълумоти;

жисмоний ва юридик шахсларнинг корхонанинг алоқа каналларига юборган хабарлари, шу жумладан, аноним хабарлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситаларидаги, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;

ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;

ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари, шунингдек, давлат молиявий назорат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосалари;

коррупцияга қарши комплаенс назорат бўлими (кейинги ўринларда – комплаенс назорат бўлими) томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат хокимиятининг бошқа органларининг топшириқлари;

бошқа каналлар орқали келиб тушган коррупциявий характердаги хабарлар.

7. Қуйидагилар хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади:

Бош директор ва унинг ўринбосарлари;

таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

корхонанинг Одоб-ахлоқ комиссияси;

комплаенс назорат бўлими (коррупцияга қарши курашишга масъул ходимлар);

корхонанинг Юридик хизмати раҳбари;

корхонанинг Кадрлар бошқармаси бошилиғи.

8. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида мазкур Регламентнинг 6-бандида кўрсатилган манбалардан келиб тушган ҳар қандай маълумотга нисбатан комплаенс назорат бўлими хизмат текшируви ўтказиш учун етарли асос ва маълумотлар мавжудлиги, шунингдек, келиб тушган маълумотнинг корхона ходимларига алоқаси бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан дастлабки текширув ва таҳлил қилишни амалга оширадilar.

9. Бунда устидан хизмат текшируви ўтказилиши мумкин бўлган ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимларни дастлабки текширув жараёнига жалб қилиш тақиқланади.

10. Дастлабки текширув тегишли маълумот келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади.

11. Дастлабки текширув хизмат текшируви ҳисобланмайди.

12. Агар дастлабки текширув натижалари бўйича, корхонага алоқадор бўлган қоидабузарлик содир этилганида, содир этилиши мумкин бўлгани ёки содир этилаётганини тахмин қилишга асос борлиги аниқланса, у ҳолда комплаенс назорат бўлими раҳбари бош директор ёки унинг таркибий бўлинмалари раҳбари номига ёзма хизмат хабарини жўнатади.

13. Агар хизмат текшируви корхонанинг таркибий бўлинмалари раҳбари ёки унинг ўринбосарларига нисбатан тайинланган бўлса, хизмат хабари бош директорнинг номига ёзилади.

14. Агар хизмат текшируви бош директор ёки унинг ўринбосарларига нисбатан тайинланган бўлса, (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва корхонанинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган коррупциявий хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, манфаатлар тўқнашувини яширишга оид ҳолатларини содир этганликда гумон қилинган ҳолларда) у ҳолда тегишли маълумотлар комплаенс назорат бўлими томонидан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

15. Корхона ёки таркибий бўлинма раҳбарлари хизмат хабари олинган кундан бошлаб беш иш кунини хизмат текшируви ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилади.

16. Корхона ёки таркибий бўлинма раҳбари хизмат хабарига асосан тегишли материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хизмат текшируви ўтказмасдан тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

17. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда корхона ёки таркибий бўлинма раҳбарлари хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбарини тайинлайди ва унга ишчи гуруҳ таркибини шакллантиришни ва хизмат текширувни ўтказиш тўғрисида буйруқ тайёрлаш вазифасини топширади.

18. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қуйидагилар кўрсатилади:

хизмат текшируви предмети (мавзуси);

хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган сабаб ёки вазият;

хизмат текшируви ўтказишга сабаб бўлган қоидабузарликни содир этишда гумонланаётган ходим (лар), у (лар)нинг Ф.И.Ш. ва лавозими (бўлинма (бошқарма, бўлим) номи) маълум бўлса;

хизмат текширувини ўтказиш учун маъсул бўлган ишчи гуруҳ таркиби;

ишчи гуруҳ аъзолари ва раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

хизмат текширувини ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддати.

19. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаси корхона ёки таркибий бўлинма раҳбарларига имзолаш учун хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб беш кун ичида тақдим этилиши керак.

III. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш

20. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби, ишчи гуруҳ раҳбари таклифига асосан тузилади, қоида тариқасида унга комплаенс назорат бўлими, кадрлар билан ишловчи бўлинмалар, юридик хизмат, ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари ҳамда лавозим мажбурияти хизмат текшируви предмети бўлган ёки шунга яқин бўлган бошқа бўлинмалар ходимлари киритилиши мумкин.

21. Таркибий бўлинмалар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ таркибига корхона марказий аппарати ходимлари киритилиши мумкин.

22. Қуйидаги ходимлар ишчи гуруҳ таркибига киритилмайди:

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг яқин қариндошлари;

хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита бўйсинувидаги ходим;

хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита раҳбари (корхона ва таркибий бўлинма раҳбари бундан мустасно);

хизмат текшируви ўтказилаётган йўналишни бошқараётган корхона ва таркибий бўлинма раҳбарининг ўринбосарлари;

текширув якунидан бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлиги ҳақида гумон (масалан бирга таълим олган, бир ҳудуддан бўлган, ишқий муносабатларда, хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан ошқора зиддиятга эга ва ҳок.) бўлган бошқа ходимлар.

23. Ишчи гуруҳни шакллантириш учун маъсулият ишчи гуруҳ раҳбари зиммасида бўлади. У мазкур Регламентнинг 22-бандида кўрсатилган потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги бўйича гуруҳ аъзоларини текшириши шарт.

IV. Хизмат текширувини ўтказиш

24. Хизмат текшируви тегишли буйруқ имзолаган санадан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилиши керак.

25. Агар хизмат текшируви жараёнида 24-бандда кўрсатилган муддатларнинг узайишига олиб келадиган қўшимча тартиб-таомиллар (шу жумладан, ходимлар ва бошқа шахслар орасида қўшимча сўровнома ўтказиш) ўтказилиши, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари бу ҳақда маълум бўлиши билан мажбурий тартибда, хизмат текшируви тўғрисидаги буйруқни имзолаган раҳбарни хабардор қилади. Бундай ҳолатларда, хизмат текширувини ўтказиш муддатлари ўттиз бир календар кунидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

26. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим йўқ бўлган ҳолда (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар), у вақтинча тўхтатилади, унинг муддати эса автоматик тарзда ушбу ходим йўқ бўлган даврга узайтирилади.

Агар ходим ўттиз бир календар кунидан ортиқ муддатга йўқ бўлган ёки хизмат текширувида иштирок этишдан бошқа усул билан бош тортган ҳолда, хизмат текшируви корхона, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари билан келишган ҳолда ходимнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин ва ушбу ҳолат Хизмат текшируви натижаларида қайд этилади.

27. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга, ишчи гуруҳ раҳбарининг тавсиясига асосан корхона ва таркибий бўлинма раҳбарлари буйруғи билан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйилиши мумкин. Ушбу ҳолатда қабул қилинган буйруқ ҳақида, устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, ўша кунгача буйруққа имзо чектирилган ҳолда таништирилади. Буйруқ билан танишиш рад этилган ҳолда бу ҳақида ишчи гуруҳ раҳбари томонидан далолатнома тузилади.

28. Ходимга нисбатан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишга оид буйруқ хизмат текшируви ўтказишнинг муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

V. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар

29. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гуруҳ қоидабузарликка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

- қоидабузарлик, уни содир этиш сабаблари нимада акс этади;
- қоидалари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва корхонанинг ички ҳужжатлари талаблари;
- қоидабузарликни содир этиш вақти, жойи, усули;
- қоидабузарликни содир этишга жалб қилинган шахслар доираси (корхона ходимлари билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам);
- қоидабузарликнинг оғирлик даражаси;
- корхонага етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеридаги зарарнинг кўриниши ва кўлами;
- қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

30. Хизмат текширувини ўтказиш давомида олинadиган маълумотлар манбаси қуйидагилар бўлиши мумкин:

- устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, корхонанинг бошқа ходимлари, учинчи шахсларнинг ёзма ёки оғзаки тушунтиришлари;
- тасдиқловчи ҳужжатлар (ёзма ва электрон шаклда);
- интернет тармоғининг оммавий тизимида жойланган ахборот манбаларининг маълумотлари;
- аудиоёзувлар, фото ва видеосъёмкалар;
- қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа материаллар.

31. Юқорида санаб ўтилган барча, шу жумладан, махфий (конфиденциал) маълумотлар ишчи гуруҳ томонидан корхонада қабул қилинган барча таомилларни қўллаган ҳолда, шунингдек, корхонанинг ички ҳужжатлари ва

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олинishi ва фойдаланилиши керак.

32. Корхона ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган суҳбат жараёни аудио ёки видео қайд қилиниши, суҳбат тўғрисида баённома тузилиши керак (аудио ёки видео қайд хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин суҳбат ўтказилаётган шахнинг розилиги олинади. Розилик берилмаса аудио ва видео қайдни амалга оширувчи ускуналардан фойдланишга йўл қўйилмайди.

33. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бошқа ходимнинг суҳбат ёки тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда ушбу Регламентнинг 1-иловасига мос шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

34. Ишчи гуруҳ раҳбари мазкур ходимни далолатнома билан танишганлигини тасдиқлаш учун унга имзо қўйиши зарурлиги тўғрисида хабардор қилади. Агар ходим ҳужжатга имзо қўйишдан бош тортса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари ҳужжатга тегишли белги қўяди.

35. Устидан текширув ўтказилаётган ходим томонидан далолатномага (ёки бошқа ҳужжатларга) имзо қўймаслик унга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини қўллашдан озод қилмайди.

VI. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

36. Ишчи гуруҳ раҳбари хизмат текширувининг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, ишчи гуруҳ аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун маъсул бўлади.

37. Хизмат текшируви ўтказиш давомида ишчи гуруҳ раҳбари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Хизмат текшируви ўтказишнинг йўналишлари, амалга ошириладиган тадбирларни белгилайди, ишчи гуруҳ аъзолари олдида вазифалар қўяди;

ишчи гуруҳ томонидан хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

ишчи гуруҳ томонидан хизмат текширувининг ушбу Регламентга мувофиқ равишда ўтказилишини назорат қилади;

суҳбат ўтказиш, тушунтириш талаб қилиб олиш зарур бўлган ходимлар рўйхатини тузади;

хизмат текширувини холис ва самарали ўтказиш учун зарур бўлган чоралар қўрилишини таъминлайди (масалан, корхонадаги маълумотларни йўқ қилиш жараёнларини тўхтатиб туришни талаб қилади, тегишли ходимларга нисбатан текширув ўтказилаётган даврда маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишни тавсия қилади, зарурият туғилганда текширувни ўтказишнинг максимал муддатларини узайтириш бўйича таклиф тайёрлайди ва бошқалар.);

корхона ва таркибий бўлинма раҳбарига хизмат текшируви натижаларининг тақдим этилишини таъминлайди.

38. Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Корхона ходимлари билан суҳбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар, шунингдек, ташқи экспертларни уларнинг розилиги билан хизмат текшируви жараёнига таклиф қилиш. Учинчи шахслар ва ташқи экспертларни жалб қилиш масаласи корхона ва таркибий бўлинма раҳбарлари билан келишилиши шарт;

суҳбатни ёзма шаклда ёки зарурият туғилганда тушунтириш бераётган шахснинг розилиги билан аудио ва видеоқайд этувчи ускуналар қўллаш билан қайд этишни амалга ошириш;

Корхона ходимларидан хизмат текширувига алоқадор бўлиши мумкин бўлган материалларни олиш;

корхона мулкнинг бус-бутунлигини хатлов ва тафтишдан ўтказиш;

Ўтказилаётган хизмат текшируви доирасида ўз лавозим мажбуриятларини бажариш учун фото ва видеоқайдларни амалга ошириш.

39. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари мажбуриятлари:

Хизмат текширувини ўтказишда ушбу Регламент, корхонанинг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал қилиш;

Хизмат текшируви моҳияти бўйича мавжуд барча материалларни тўплаш;

Хизмат текшируви мақсадлари учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг (ҳужжатлар, электрон маълумотлар ва б.) бутлигини сақлаш бўйича чоралар кўриш;

мазкур Регламент, корхонанинг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари хизмат текшируви ўтказиш доирасида олинган маълумотларнинг мутлақо махфийлиги (конфиденциаллиги)ни сақлаш ва ошкор қилмаслик;

мазкур Регламент талабларига мувофиқ равишда текширув натижаларини расмийлаштириш, шу жумладан, жавобгарлик чоралари, шунингдек, қоидабузарлик сабаблари ва қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган шартларни бартараф қилиш имконини берадиган чораларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

VII. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларнинг ҳуқуқлари

40. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Хизмат текшируви ўтказиш факти тўғрисида хабардор бўлиш;

қоидабузарликнинг содир этилиши сабаблари ва шароитлари, хизмат текширувининг бориши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш ҳуқуқи билан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, шунингдек, унинг тушунтиришларини тасдиқлаши мумкин бўлган исбот-далилларни тақдим этиш;

Тушунтиришлар тақдим этишдан бош тортиш – бу ҳолда ушбу Регламентнинг 33-бандида кўзда тутилган далолатнома тузилади;

ўзи томонидан тақдим этилган, ўтказилаётган хизмат текшируви, хизмат текшируви материалларига алоқадор бўлган ҳужжат ва материалларга қўшиб қўйишни талаб қилиш;

Хизмат текшируви тугаганлиги тўғрисидаги хабарни олиш ва бундай хабар олингандан кейин беш кун ичида хизмат текшируви маълумотномасининг унга тегишли қисми билан у тасдиқланишига қадар танишиш (у фойдаланиш ва ўз мулоҳазаларини қўшиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган махфий (конфиденциал) ахборотдан ташқари);

Хизмат текшируви натижаларидан, шу жумладан, ишчи гуруҳ томонидан текширув якунлари бўйича таклиф этилган жавобгарлик чорасидан норози бўлган тақдирда ушбу қарор устидан корхона ва таркибий бўлинмалар раҳбарига ёки юқори турувчи идораларга шикоят қилиш.

VIII. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган бошқа ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

41. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган ходимлар хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳга ҳар томонлама кўмак бериш, шу жумладан, хизмат текшируви бўйича талаб қилинган тушунтиришлар, маълумот ва ҳужжатларни беришлари, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ташкил этиладиган суҳбатлар иштирок этишлари шарт.

42. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар уларнинг текширувда иштирок этишлари сабабли уларга маълум бўлган Хизмат текшируви маълумотларини ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

43. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзлари ва яқин қариндошларга қарши гувоҳлик бермаслик;

бош директорга ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

IX. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

44. Хизмат текшируви натижалари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, унинг барча аъзолари, хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан имзоланадиган маълумотнома тузилади.

45. Маълумотнома мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда тузилиб, кириш, баён, хулоса ва таклиф қисмидан иборат бўлади.

46. Маълумотнома ёки унинг алоҳида бандларидан норози бўлган, ишчи гуруҳ аъзоси шунингдек, устидан хизмат текшируви ўтказилаётган шахс ёзма равишда расмийлаштирилган ва ишга тиркалган ҳолда алоҳида фикрда эканлигини билдирган белги билан маълумотномага имзо қўйиши мумкин.

47. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган шахс маълумотномага имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда далолотнома расмийлаштирилади. Ушбу далолотномага ишчи гуруҳ аъзоларидан ташқари, хизмат текшируви

натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

48. Маълумотномага асосан корхона ва таркибий бўлинма раҳбарлари қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

қоидабузарлик тўғрисидаги маълумот тасдиқламаганлиги муносабати билан хизмат текширувини тўхтатиш;

сабаблар ва муддатлари кўрсатилган ҳолда хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун, зарурият туғилганда эса – ишчи гуруҳ таркибини ўзгартириш учун қайтариш;

айбдор ходимни интизомий жавобгарликка тортиш;

ходимга нисбатан огоҳлантириш, профилактик ҳарактердаги чораларни қўллаш;

келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш.

49. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома комплаенс назорат бўлимига тақдим этилади.

50. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қоидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек кўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилинади.

Х. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

51. Хизмат текширувида иштирок этаётган корхона ходимлари текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлайдилар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

52. Ўтказилган Хизмат текшируви доирасидаги маълумотлардан ваколатли фойдаланиш ҳуқуқига фақат бош директор, комплаенс назорат бўлими ва ишчи гуруҳ аъзолари (мазкур ишчи гуруҳ аъзоси иштирок этган текширувлар бўйича) эга.

53. Ўз лавозим вазифаларини бажариш учун ўтказилган хизмат текширувлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши зарур бўлган ходимлар, ушбу ахборотдан фойдаланиши учун корхона ва таркибий бўлинма раҳбарининг ёзма розилигини олиши лозим.

54. Хизмат текширувига оид материаллар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга рақамланган ва тикилган ҳолда комплаенс назорат бўлими топширилади.

55. Корхонанинг марказий аппаратидаги комплаенс назорат бўлими таркибий бўлинмалардаги ушбу вазифа юкланган бўлинмалар мазкур Регламентга

3-иловага мувофиқ шаклда хизмат текширувлари электрон реестрини

юрителишини таъминлайди. Таркибий бўлинмалар ўтказилган хизмат текширувлари электрон реестрини ҳар чорақда комплаенс назорат бўлимига тақдим этишлари шарт.

56. Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб беш йил давомида сақланиши лозим.

XI. Яқуний қоидалар

57. Хизмат текшируви яқунлари корxonанинг хизмат текширувлари электрон реестрига киритилади.

58. Хизмат текшируви яқунлари бўйича берилган тавсия ва хулосаларни бажариш ҳамда амалга оширилган ишлар ҳақида комплаенс назорат бўлимига тегишли маълумотлар тақдим этилиши учун корхона таркибий бўлинмалари раҳбарлари шахсан жавобгардир.

“Навоийуран” Давлат корхонаси ходимларининг
коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-ахлоқ
қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат
текишувлари ўтказиш бўйича Регламентига
1-Илова

ДАЛОЛАТНОМА

« ____ » _____ 20 __ йил.

Биз, қуйида имзо қўювчилар

(Ф.И.Ш., лавозими)

(Ф.И.Ш., лавозими)

(Ф.И.Ш., лавозими)

Ходим (Ф.И.Ш., лавозими) 20 йилнинг « ____ » _____ да

_____, дан иборат бўлган қоидабузарлик содир
этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган бўлиб, у ёзма
тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу далолатномани туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (Ф.И.Ш,
лавозими) _____ куйидагилар _____ билан _____ изохлади

(тушунтириш беришни рад этганлик сабаблари
эркин шаклда баён этилсин).

Далолотнома тузган шахслар имзоси: _____

(имзо) (Ф.И.Ш)

(имзо) (Ф.И.Ш)

(имзо) (Ф.И.Ш)

Далолотнома билан танишдим*: (Ф.И.Ш, лавозим, сана, имзо) _____

* Далолотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди»
ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

*“Навоийуран” Давлат корхонаси
ходимларининг коррупциявий хатти-
харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини
бузиши ҳолатлари устидан хизмат
текширувлари ўтказиши бўйича
Регламентига
2-илова*

**Хизмат текшируви натижалари тўғрисида маълумотнома
_____ - сон**

1. Асос: Бош директорнинг буйруғи (сана ва рақами)

2. Ишчи гуруҳ таркиби:

Ишчи	гуруҳ	раҳбари
------	-------	---------

(лавозими, фамилияси, инитсиаллари)

Ишчи	гуруҳ	аъзолари
------	-------	----------

(лавозими, фамилияси, инитсиаллари)

3. Хизмат текширувини ўтказилган муддати:

4. Текширув ўтказиш учун асослар (келиб тушган хабарнинг қисқача мазмуни): _____

5. Баён қисми (хизмат текширувида аниқланган фактлар):

қоидабузарлик содир бўлганми ва у нималарда ифодаланган;

қоидабузарлик содир этилган жойи, вақти, усули ва қоидабузарликни содир этишнинг бошқа шароитлари.

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим(лар)нинг маълумотлари (Ф.И.Ш, лавозими, (тузилмавий бўлинма номи (бошқарма, бўлим номини кўрсатган ҳолда), меҳнат шартномаси тузилган сана, ушбу ходимга нисбатан Хизмат текшируви аввал ҳам ўтказилганми);

қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлган шахслар доираси;

қоидабузарликни содир этиш мақсадлари ва сабаблари;

қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган сабаб ва шартлар;

конкрет ходимнинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки унинг айбсизлигига гувоҳлик берувчи тўпланган маълумотлар таҳлили.

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ўз ҳимояси учун келтирган далиллари, уларни текшириш натижалари.

6. Хулоса ва таклифлар:

а) хулоса қисмида:

Хизмат текшируви ўтказилган шахс(лар)нинг ҳаракат(лар)ида (ҳаракатсизлигида) қоидабузарлик мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида хулоса;

қоидабузарлик бўлса, талаблари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки корхонанинг ҳужжатлари номи, санаси ва бузилган қоида мазмуни;

қоидабузарлик содир этиш натижасида етказилган зарар характери ва кўлами (мавжуд бўлса);

б) таклиф қисмида

айбдор шахс (лар)ни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар;
қоидабузарлик содир этишга олиб келадиган сабаб ва шартларни
баргараф қилишга қаратилган тавсиялар.

Хизмат текшируви материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш
органларига тақдим этиш зарурияти.

Ишчи гуруҳ аъзолари имзолари:

Маълумотнома билан танишдим*:

_____ (ФИШ, лавозими) (имзо) _____ (сана)

** Маълумотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.*

*“Навоийуран” Давлат корхонаси ходимларининг
коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-ахлоқ
қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат
текширувлари ўтказиш бўйича Регламентига
3-илова*

Хизмат текширувлари электрон реестри

Т/р	Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси	ўтказилган Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома рақами ва санаси	Хизмат текшируви ўтказиш даври	Ишчи гуруҳ таркиби	Қоидабузарлик тўғрисидаги ахборот келиб тушган манба	Хизмат текшируви ўтказиш йўналишларининг қисқача таърифи	Текширув натижаларининг қисқача таърифи	Аниқланган айбдор шахслар рўйхати	Текширув натижалари бўйича тасдиқланган чоралар	Муддатлар ва ижро учун маъсул	Амалда бажарилганлик тўғрисидаги ахборот
1	2	3	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1											
2											
3											
4											
5											
...											